

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

ROMAN-GERMAN TILLARI FAKULTETI

FRANSUZ TILI VA ADABIYOTI
KAFEDRASI



NISHONOVA NIGINA ABDUVALIYEVNA

**ONORE DE BALZAK ASARLARIDAGI FRAZEOLOGIK
BIRLIKLARNING O'ZBEK TILIDA BERILISHI**

*5120100 – Filologiya va tillarni o'qitish (fransuz tili)
ta'lim yo'nalishi bo'yicha bakalavr darajasini olish uchun
taqdim etilayotgan*

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

"HIMOYAGA TAVSIYA ETILADI"

"Fransuz tili va adabiyoti"

kafedrasi mudiri

f.f.n. N.N. Suvonova

2015 yil "4" may

ILMIY RAHBAR:

 o'qituvchi

Nuriyev A.Q.

Ilmiy maslahatchi:

f.f.d. prof. Xolbekov M.N.

SAMARQAND - 2015

СамДЧТИ роман-герман филологияси факултети 4-курс 05 француз ўзбек гурухи талабаси Нишанова Нигинанинг «Оноре де Бальзак асарларидаги фразеологик бирликларнинг ўзбек тилида берилиши» номли битирув малакавий ишига

МУЛОҲАЗА

Бугунги кун тилшунослиги ва таржимашунослиги ўтган даврлардан ўзининг муаммоларга янгича ёндашуви ва янгича ечими билан тубдан фарк қилади. Айти мана шу хусусиятлар тилшуносликнинг муҳим бўлаги ҳисобланган фразеологияда ҳам яққол кўзга ташланади.

Нишанова Нигинанинг битирув малакавий иши тилшуносликнинг энг муҳим соҳаси ҳисобланган фразеологизмларнинг бадиий таржимада берилишига бағишланиб, “Оноре де Бальзак асарларидаги фразеологик бирликларнинг ўзбек тилида берилиши” деб номланади ва унинг таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, резюме, фойдаланилган ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги таъкидланиб, шу билан бирга тадқиқотнинг асосий максоди ва вазифалари, объекти ва предмети, ўрганилганлик даражаси аниқланади, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилади.

Биринчи бобнинг биринчи бандида фразеологик бирликларнинг сематик ва синтетик турлари, иккинчи бандида эса фразеологик бирликларнинг лексик-семантик турлари хусусидаги назарий фикрлар келтирилади.

Иккинчи бобда Оноре де Бальзак асарларида қўлланган фразеологик бирликларнинг семантик-синтетик ҳамда жаргон ва вульгарни англаувчи фразеологик бирликлар таржимаси уч тилда – француз, рус ва ўзбек тилларида қиёсий-типологик таҳлилга тортилади.

Учинчи бобда эса Бальзак асарларида қўлланган фразеологик ва паримеологик бирликлар ва уларнинг ўзбек тилида берилиши хусусида асосли мисоллар ва кизик фикрлар юритилган. Эътиборли жиҳати шундаки, битирув малакавий ишида талаба буюк француз адиблари О.де Бальзак романи таржимасидаги хато ва камчиликлар топиб кўрсатади ва буни илмий асослашга ҳаракат қилади, керакли ўринларда ўз вариантларини таклиф этади.

Ишнинг хулоса қисмида илмий тадқиқот натижалари юзасидан умумий фикр-мулоҳазалар, таклифлар келтирилади.

Нишанова Нигина битирув малакавий ишини ёзиш давомида Я.И.Рецкер, В.И.Даль, Г.П.Шекуров, Ш.Балли, А.Нарзикулов, М.Холбеков, Ш.Рахматуллаев, Қ.Мусаев, А.Э.Маматов томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижаларидан фойдаланган.

Нишанова Нигинанинг “Оноре де Бальзак асарларидаги фразеологик бирликларнинг ўзбек тилида берилиши” деб номланган битирув малакавий иши белгиланган талаблар даражасида ёзилган бўлиб, бу ишни ижобий баҳолаш мумкин.

Илмий раҳбар

Нуриев А.
TASDIO QAYMAN
SamDCHTI KADRLAR
BO'LIMI BOSHIG'I

ўқит Нуриев А.

СамДЧТИ роман-герман филологияси факултети 4-курс 05 француз ўзбек гуруҳи талабаси Нишанова Нигинанинг «**Оноре де Бальзак асарларидаги фразеологик бирликларнинг ўзбек тилида берилиши**» номли битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Мазкур битирув малакавий иши “Оноре де Бальзак асарларидаги фразеологик бирликларнинг ўзбек тилида берилиши” мавзусида ёзилган. Унда тилшуносликнинг энг муҳим соҳаси ҳисобланган фразеологизмларнинг миллий хусусият ва характерларни ўзида камраб олган фразеологик бирликларнинг уч тилда ҳам қиёсий, ҳам қиёсий-миқдорий ва сифат бўйича таснифи ўрганиб чиқилган ва уларнинг бадиий таржимада берилиши бўйича ижобий ва танқидий фикр-мулоҳазалар келтирилган. Иш учун буюк француз реалисти Оноре де Бальзакнинг “Горио ота” ҳамда “Евгения Гранде” романлари объект бўлиб хизмат қилган, шу роман асосида 100 дан ортиқ фразеологик бирликлар мисол қилиб олинган ва улар француз-рус-ўзбек тилларида чуқур илмий таҳлил қилинган.

Ишда Оноре де Бальзак асарларида қўлланган фразеологик бирликларнинг семантик-синтетик ҳамда жаргон ва вульгарни англатувчи фразеологик бирликлар таржимаси уч тилда – француз, рус ва ўзбек тилларида қиёсий-типологик аспектда таҳлилга тортилади. Шунингдек, ишда Бальзак асарларида қўлланган фразеологик ва паримеологик бирликлар ҳамда уларнинг ўзбек тилида берилиши хусусида асосли мисоллар ва қизик фикрлар юритилган. Дикқатга сазовор жойи шундаки, битирув малакавий ишида талаба буюк француз адиблари О.де Бальзак романлари таржимасидаги хато ва камчиликлар топиб кўрсатади ва буни илмий асослашга ҳаракат қилади, керакли ўринларда ўз вариантларини таклиф этади.

Француз фразеологик бирликларининг ўзбек тилидаги муқобиллари хусусида бир-биридан қизик фикрлар, бир-биридан муҳим мулоҳазалар юритилган. Мазкур битирув малакавий ишидан келгусида маъруза матнларини тайёрлаш, лексикология, қиёсий типология, стилистика ва тил тарихи бўйича амалий машғулотлар ўтказишда бой манба бўлиб хизмат қилади дейишган тўла асос бор.

Битирув малакавий иши таркибида айрим имловий хатоликлар ҳам учраб туради, аммо бу камчиликлар унинг маъно бутунлигига таъсир кўрсатмайди.

Нишанова Нигинанинг “Оноре де Бальзак асарларидаги фразеологик бирликларнинг ўзбек тилида берилиши” деб номланган битирув малакавий иши белгиланган талаблар тўла мос келади. Мазкур ишни ижобий баҳолаган ҳолда, ҳимояга тавсия этаман.

Француз тили ва адабиёти
кафедраси доценти



п.ф.н., доц. Кўчибоев А.